

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 23 ноябрь, № 227 (5394) Чоршанба


## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Яна бир корхона ишга тушди

*ФАРҒОНА. Бувайда туманида “Лосгигантес текстайл” қўшма корхонаси фаолият бошлади.*

Ҳозир бу ерда Швеция, Италия ва Германиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида пахта толаси қайта ишланиб, сифати халқаро талабларга жавоб берадиган калава ип ва турли сочиқлар тайёрланмоқда.

— 90 кишилик жамоамиз томонидан кунига 7 тоннага яқин хом ашёни қайта ишлаяпмиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Адҳамжон Ҳасанов. — Тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу кўрсаткични ойига 350 тоннагача етказамиз. Яна бир гап. Маҳсулотларимизнинг дастлабки қисмини экспорт қилишни бошладик.

Шуниси диққатга сазоворки, “Лосгигантес текстайл” вилоятда хорижий сармоядорлар иштирокидаги тўқсон еттинчи қўшма корхонадир.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Пўлат-Алп» гиламлари

*СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳридаги “Пўлат-Алп” хусусий корхонасида гилам ишлаб чиқариш тармоғи кенгайиши ҳисобига 10 та қўшимча иш ўрни яратилди.*

Ушбу мақсад учун банкнинг 160 миллион сўмлик кредити йўналтирилди.

— Цехларимизнинг янги ускуналар билан жиҳозланиши иш унумдорлиги ортишига асос бўлди, — дейди корхона раҳбари Ҳамза Алпомишев. — Ҳар ойда савдо шохобчаларига 60 минг квадрат метр ҳажмда бежирим ва сифатли гиламлар етказиб бераяпмиз. Эндиликда маҳсулотларимизни экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятда ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 52,1 фоизи асосий, 13,9 фоизи ёрдамчи, 10,7 фоизи кичик саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳам хизмат, ҳам таъминот

*Тадбиркорлик учун қулай сармоявий муҳит яратилгани* ***БУХОРО*** *шаҳридаги “Замона монтаж таъмирлаш” масъулияти чекланган жамияти ишбилармонларига янги лойиҳани амалга ошириш имконини берди.*

— Банк томонидан ажратилган 80 миллион сўмлик кредит ҳамда корхонамизнинг 120 миллион сўм маблағи эвазига зарур технологик линияни харид қилиб, темир-бетон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик, — дейди жамиятнинг масъул ходими Аҳмад Расулов. — Илгари фақат қурилиш ишлари билан шуғулланардик. Эндиликда эса бинокорлик материали ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик. Буюртмачилар учун дастлабки 30 миллион сўмлик маҳсулотни тайёрлаб қўйдик. Янги лойиҳа шарофати билан 11 қўшимча иш ўрни очилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ

## Мамлакатимизда бу борада барча шарт-шароит яратилган.

***Ўтган даврда юртимизда Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида тадбиркорлик ҳаракати ривожлантирилиб, мулкдорлар синфи шаклланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вужудга келди. Мазкур тизимга қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган қулай шарт-шароит, энг асосийси, давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар туфайли улар бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи кучга айланди.***

Аслида ҳам, эркин фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосини хусусий сектор ташкил этади. Шу маънода, изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб негизини тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳитини яратишдек эзгу мақсад ташкил этади, десак, муболаға бўлмайди.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлиши, мулкини ўз хоҳишича тасарруф қилиши, хусусий мулк давлат ҳимоясида эканлиги Асосий Қонунимизда кафолатлаб қўйилган. Айниқса, юртимизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши, шу муносабат билан Давлат дастурининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бозор муносабатлари механизмини ҳар томонлама




*«Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин».*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан.

такомиллаштиришда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг муносиб ўрни бор. Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган палатамиз айни дамда кўп минг сонли тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланди. Ҳозирги кунда унинг аъзолари сони 21 мингдан ошиб кетгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, палата жамоаси юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларини тўла юзага чиқариши, хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бу, энг аввало, имтиёзли хизмат кўрсатиш, қулай ва тезкор ахборот билан таъминлаш, шунингдек, жўяли маслаҳатлар беришда намоён бўлаётир. Чунки жамоат ташкилотининг ҳудудий бошқармалари, республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган Ахборот-маслаҳат марказлари томонидан бизнесни бошлашдан то уни ривожлантиришгача бўлган жараён қамраб олинган. Тадбиркорлар, жумладан, таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режа тайёрлаш, ахборот, юридик, баҳолаш, суғурта, бухгалтерия, брокерлик ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлаяпти. Бунда “Ишонч телефони” — “Call-center” лойиҳаси ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини айтиш жоиз. Ушбу лойиҳа бўйича 7500 дан ортиқ мурожаатлар палата қошида ташкил этилган бир нечта ихтисослаштирилган унитар корхоналар, 50 та Бизнес марказининг юқори малакали мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилгани бунга яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

*Иқтисодиётимизда яратилган қулай инвестиция муҳити хорижлик сармоядорларнинг юртимизга янада қизиқишига сабаб бўлмоқда. Натижада айни пайтга келиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир кўплаб корхоналар фаолияти йўлга қўйилаяпти.*

Ислоҳот

# ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИ

Хусусан, Фарғона вилоятида енгил саноатни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар бу ерда етиштирилган пахтанинг катта қисмини қайта ишлаш имконини бераётир.

Қўқон шаҳридаги “Индорама Қўқон текстиль” Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Лойиҳа қиймати 43 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган мазкур корхонада пахта толасидан халқаро стандартларга мос, сифатли ип ишлаб чиқарилмоқда. Швейцариянинг “Лува”, “Риетер”, Япониянинг “Тойота”, “Муратта” компанияларининг юқори унумли, автоматлаштирилган тўқув дастгоҳлари йилига 7 минг тонна маҳсулот тайёрлаш имконини бераётир. Айни чоғда бу ерда 300 нафардан зиёд йигит-қиз иш билан банд.

— Ҳозирги кунда бош офиси Сингапурда жойлашган компаниямизнинг 20 га яқин мамлакатларда тўқимачилик тармоқлари, ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд, — дейди қўшма корхона раҳбари Махишвари Ражендра. — Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фарғона вилоятига сафари чоғида корхонамиз фаолияти билан яқиндан танишиб, жамоамиз аъзолари билан мулоқотда бўлдилар. Касбим тақозоси туфайли дунёдаги кўплаб мамлакатлар раҳбарлари билан учрашганман. Улар, биринчи навбатда, барпо қилинаётган корхонадан келадиган фойда ҳақида сўрашади. Ислом Абдуғаниевич эса корхонамизда бўлганида, энг аввало, ўзбек пахтасининг сифати, толасининг микронейр кўрсаткичлари билан қизиқди. У киши нафақат етук раҳбар ва сиёсатчи, балки тўқимачилик саноатининг ҳам чуқур билимдони экан. Очиғи, Президентнинг фикрлари Ўзбекистонга бўлган муҳаббатимни янада ошириб юборди.

Яқинда Сингапурдаги компаниямиз раҳбарияти билан яна бир муҳим ташаббусни амалга ошириш ҳақида келишиб олдик. Яъни корхонанинг иккинчи навбатини ишга тушириш ҳаракатидамиз. Бунинг учун 55 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтиришни режалаштирганмиз. Ўйлайманки, мазкур лойиҳа вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтириш баробарида, Ўзбекистон ва Сингапур давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлади.

(Давоми 2-бетда).

# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ




***Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир замонавий қувватларни ишга туширишда тармоққа жалб этилаётган сармояларнинг ўрни ва аҳамияти муҳим. Айниқса, бу жараёнда хорижий инвесторларнинг иштироки тобора кенгайиб бораётгани, пировардида жаҳон бозорида рақобатга кириша оладиган харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаётгани қувонарлидир.***

Изланиш

Хоразм вилоятида бугун чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 30 та корхона фаолият кўрсатмоқда. “Хоразмшакар”, “Кока кола ичимлиги ЛТД”, “Мурувваттекс” хорижий корхонасининг Гурлан фабрикаси, “Боғоттекстиль”, “Коттонтекс”, “Хива”, “Жилосун Тошкент” каби қўшма корхоналар ана шулар жумласидандир. Айни пайтда мазкур ишлаб чиқариш субъектлари тўла қувват билан ишлаб, ички бозор талабларидан ортган маҳсулотларини экспортга ҳам йўналтираётир.

Урганч шаҳридаги “Megasfera” қўшма корхонаси 2009 йилнинг февраль ойида 310 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция эвазига ташкил этилган эди. Бу ерга Италия, Германиядан келтирилган сўнгги русумдаги дастгоҳлар ўрнатилиши харидорлар диди ва талабига мос сифатли ва бежирим мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш имконини берди. Ҳозир корхонада 40 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 90 фоизи касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Эътиборлиси, “Megasfera” ёрлиғи туширилган, сифат сертификатига эга мебеллар нафақат вилоят, балки Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қўшни вилоятлардаги харидорларга ҳам манзур бўлмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида туманларда корхонанинг 5 та “Савдо уйи” ҳам ташкил этилган. Умуман, жорий йил бошидан буён “Megasfera”да 850 миллион сўмликдан ортиқ мебеллар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

**СУРАТДА:** корхона оператори Шуҳрат Раматов технологияларнинг иш маромини кўздан кечирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Жорий йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда фаолият юритаётган 3 та тижорат банки, хусусан, Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки, «Азия Альянс банк» ва «Амирбанк» хусусий акциядорлик тижорат банклари халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» баҳосини олишга эришдилар. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори Аҳмад МАМАТОВ билан суҳбатлашди.***

# ЮҚОРИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ

## банкларимизнинг изчил ва самарали фаолияти ифодасидир

— Бугун мамлакатимиз банкларига тақдим этилаётган халқаро рейтинглар ҳақида мижозлар ҳам, инвесторлар ҳам, экспертлар ҳам — ҳамма гапирмоқда, — деди у. — Чунки бу муайян банкнинг эмас, балки бутун бир тизимнинг ишончлилиги мезони бўлиб қолмоқда.

Эътироф

Ҳозирга келиб, «катта учлик» деб аталувчи «Moody`s», «Standard & Poor`s» ва «Fitch ratings» халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган тижорат банкларимиз сони 21 тага етди, уларнинг жами активларининг банк тизими жами активларидаги салмоғи 95 фоиздан ошиб кетди. Ушбу банклардан 15 тасининг рейтинг баҳоси қайта тасдиқланган бўлса, қўшимча 6 та банкка янгидан рейтинг баҳоси берилди.

Банкларимизнинг рейтинг олиши бирдан-бир мақсад эмас. Бу мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори талабларининг амалдаги ижроси тасдиғидир. Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда миллий банк тизимининг кейинги беш йилдаги ривожланиш стратегиясини белгилаб берган ушбу ҳужжат тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш учун пухта замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

# БАРДАВОМ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожида алоҳида аҳамият касб этиб, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёнда ишбилармон, қўли гул аёлларнинг ҳам катта ўрни бор, албатта.***

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали касаначилик, оилавий бизнес тобора равнақ топмоқда. Мамлакатимизда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш туфайли 191,9 мингта, шу жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 55,8 мингта, пудрат шартномалари ва оилавий бизнес асосида 136,1 мингта иш ўрни яратилгани бунинг исботидир.

Пойтахтимизда “Миллий ҳунармандчилик — миллий қадриятларимиз бардавомлиги кафолати” мавзуида ташкил этилган анжуманда бу алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Тошкент шаҳар “Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар” жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда тадбиркор аёллар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

# Инвестициялар оқими кўпаймоқда

**2011** йилнинг тўққиз ойида республикамиз иқтисодиётида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми қиёсий нархларда **8** фоизга ошди.

Таҳлилларга қараганда, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Айниқса, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли ўсиш кузатилиб, ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 12215,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсатининг юксак самарасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодиётимизга жалб этилаётган сармояларнинг асосий қисми етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш ва янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилмоқда. Бу эса ўтган қисқа даврда республика бўйича 828 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, озиқ-овқат саноатида 279, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 234, енгил саноатда 201, ёғочни қайта ишлаш саноатида 36, машинасозлик саноатида 12, кимё саноатида 8, фармацевтика саноатида 3 ва бошқа тармоқларда 55 та корхонани фойдаланишга топшириш имконини берди.

Инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларида уларнинг бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатилгани, айтиш мумкинки, ушбу жараённинг жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатаётир. Бу, ўз навбатида, сармоялар оқими кўпайиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

***Табиатни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш, ҳайвонот ва наботот оламини ривожлантириш нафақат экологик мувозанатни таъминлашда, балки кишилар турмуш тарзини барқарор ривожлантиришда муҳим омиллардан ҳисобланади.***

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимизда экологик мусаффоликни мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратилди. Бу йўлда зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди. Конституциямизда ҳам ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, экологик қонунчиликни такомиллаштиришга бўйича аниқ таклиф ва ғоялар илгари сурилган. Жумладан, муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини ҳуқуқий асосини яратиш, уларнинг тизимдаги роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзланган мақсадларга эришишда айни муддаодир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан атроф-муҳит ифлослантирилишининг олдини олишга оид ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишида ана шулар алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда бугунги кунда мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлашда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилаётгани айтиб ўтилди. Бу борада аниқ ҳуқуқий механизмлар, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги “2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугунги кунда мана шу дастур талаблари асосида қонунлар, экологияга оид халқаро ҳужжатлар ижроси таҳлил қилинмоқда, тегишли тартибда мониторинг кузатувлари, режали текширувлар ташкил этилмоқда, — дейди қўмита аъзоси О. Мамараҳимов. — Айни чоғда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ҳамда экологик маданиятни янада чуқур қарор топтириш, табиий муҳитни авайлаб асраш йўлида тарғибот-тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилаётир.

Тадбирда буларнинг барчаси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш, биохилмахилликни авайлашдек эзгу вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди. Унда соҳада қўлга киритилаётган ижобий натижалар кўламини янада кенгайтириш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш, тегишли қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарурлигига урғу берилди.

**С. МАХСУМОВ.**

# ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

***Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва бошқармалар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.***

**Маҳаллий Кенгашларда**

Мажлисда вилоятда Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, коллеж битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, вилоятдаги 130 та касб-ҳунар коллежини битирган 35 минг нафар битирувчининг 32 минг нафардан зиёди ишга жойлаштирилган. Муҳими, уларнинг аксарияти доимий ҳамда истиқболли иш ўринларига эга бўлишди. Бу борада меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари томонидан ўтказиб келинаётган “Бўш иш ўринлари” ярмаркалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида улар томонидан 51 марта ана шундай тадбир ўтказилиб, 3 минг нафардан ортиқ битирувчилар бандликка кўмаклашиш бўйича туман ва шаҳар бўлимлари квотаси асосида ишга жойлаштирилгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Тадбирда корхона ва коллеж ҳамкорлиги борасидаги ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, вилоятдаги қатор йирик саноат корхоналари билан кўплаб коллежлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани қайд этилди. Бу эса битирувчиларнинг тўғридан-тўғри ишга жойлашишида қўл келаётир. Буни вилоятдаги 42 та йирик корхона билан 7 мингдан зиёд битирувчини ишга жойлаштириш бўйича имзоланган шартнома ижроси босқичма-босқич таъминланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни чоғда битирувчилар молия муассасалари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 185 нафар битирувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этилиб, ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан бир миллиард 349 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Шунингдек, тадбирда бу борадаги айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Чунончи, баъзи жойларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича туман ва шаҳар бўлимлари квотаси асосида ишга жойлаштириш суст бораяпти. Мазкур масала юзасидан мониторинг ишлари эса етарлича ташкил қилинмаган.

Қўшма мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ

**Мамлакатимизда бу борада барча шарт-шароит яратилган.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлар билан бевосита мулоқот ўрнатиш, уларнинг мурожаатларини ўрганиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаяпти. Бунда ижтимоий хамкорлар билан республика ва вилоятлар миқёсида жамоатчилик кенгашлари тузилгани айни муддао бўлди. Кенгашларнинг 1424 нафар фаоли бўлиб, уларнинг 347 нафари тадбиркорлардир. Кенгаш фаоллари кундалик фаолиятда дуч келинаётган муаммоларни ўрганиш, унинг ечимини топиш ва мавжуд тўсиқларнинг олдини олиш борасида ташаббускор бўлишаяпти.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли юридик маслаҳатлар ва консалтинг хизматлари кўрсатиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Низоларни ҳал қилишнинг замонавий муқобил шаклларини ривожлантириш мақсадида тизимда 12 та ҳудудий ҳакамлик суди фаолият кўрсатаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, уларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда кўргазма-савдоларнинг хизмати беқиёсдир. Шунинг учун бундай форумларни мунтазам ташкил этиш пайидан бўлинмоқда. Масалан, жорий йилда мамлакатимизда палата кўмагида қарийб 50 та кўргазма ўтказилди. Бундан ташқари, 100 дан ортиқ тадбиркорларнинг Испания, Португалия, Ҳиндистон, Эрон, Туркманистон, Малайзия, Хитой ва бошқа мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда иштироки таъминланди.

Халқаро алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг дунёнинг 21 давлатида ваколатхоналари очилгани, 50 дан ортиқ мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари, жамоат ташкилотлари, компаниялари билан битимлар ва келишувлар имзолангани қўл келаётир. Натижада ташкил этилаётган иқтисодий тадбирлар, бизнес форумлар, кўргазма ва ярмаркаларнинг сони ҳам, унинг иштирокчилари ҳам кўпайиб бораяпти. Жумладан, жорий йилда Австрия, Беларусь, Болгария, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Корея Республикаси, Латвия, Литва, Россия, Украина, Япония ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг ишбилармон доиралари иштирокида кооперация биржалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан саноат корхоналарининг электрон маълумотлар базаси яратилгани мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг янада ошишига хизмат қилаяпти. Нега деганда, қарийб 9200 та йирик ва кичик ишлаб чиқариш субъектини қамраб олган мазкур база палата www.chamber.uz веб-сайтининг бош саҳифасида жойлаштирилган. Бу нафақат юртимиз тадбиркорлари фаолияти ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида халқаро сармоядорларга маълумот бериш, балки янги ҳамкорлар топиш, чет эл инвестицияси иштирокида кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш борасида кенг имкониятлар эшигини очди. Халқаро алоқалар ҳақида гап кетганда, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон бизнес-форуми” лойиҳаси асосида Ўзбекистон экспортёрлар ассоциацияси ташкил этилганини ҳам алоҳида тилга олиш жоиз. Бу каби саъй-ҳаракатлар тадбиркорларни бизнес йўналишида ўқитиш ва малакасини ошириш имкониятларини янада кенгайтиргани билан аҳамиятлидир. Натижада ўтган давр мобайнида 10 минг 500 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари вакиллари турли мавзуларда семинар-тренингларда ўқитилган бўлса, 300 дан зиёд мулкдорлар чет элларда малака ошириб қайтдилар. Шу билан бирга, “Инвент” Ўзбекистон — Германия бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш дастури доирасида яна 60 нафар тадбиркор Германияда малака оширди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга берилаётган эътиборнинг юксак самарасидир.

Ана шу хайрли ишлар жорий йилда янада кенг кўлам касб этмоқда. Бунда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури муҳим омил бўлаяпти. Дастурда кўзда тутилган имтиёз ва преференциялар хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини муттасил ошириб бориш имконини яратиши, шубҳасиз. Шундай экан, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ва ишбилармонларга кўмак бериш, уларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон савдо-саноат палатаси жамоаси зиммасидаги муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Зотан, бизнинг асосий мақсадимиз — бизнес учун қулай муҳит яратишдир.

**Алишер ШАЙХОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси.**

# БАРДАВОМ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеи ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб боришида давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур Фармон хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиши учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда. Уй бекаларини меҳнатга, фаол турмуш тарзига жалб қилишда қўл келаётган касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Тадбиркор хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш мақсадида уларнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбир доирасида миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаётган тадбиркор аёлларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

— Кўп йиллардан бери миллий кашталар тикиш билан шуғулланаман, — дейди Юнусобод туманининг Кулол-қўрғон маҳалласида яшовчи Моҳира Султонова. — Маҳалламизда бу ҳунарни ёшларга ўргатишим учун зарур шароит яратиб берилганидан сўнг фаолиятим анча кенгайди. Маҳалла гузарида ташкил этилган ўқув курсида ҳозиргача ўттиздан зиёд қиз бу нозик ҳунар сир-асрорини пухта ўрганди. Мана шундай кўргазмалар орқали биз тайёрлаётган миллий либос ва буюмлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам эътиборига тушмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Индорама Қўқон текстиль” корхонаси жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқариш жараёнига киришган бўлишига қарамасдан, бирор килограмм маҳсулот омборларда қолиб кетгани йўқ. Аксинча, пешма-пеш Испания, Бельгия, Франция, Перу, Венесуэла, Доминикан Республикаси, Аргентина, Бразилия, Бангладеш каби мамлакатларга экспорт қилинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида етиштирилаётган пахта толаси аъло сифати, микронейр кўрсаткичлари юқорилиги, тозалиги билан жаҳонга машҳур. Бу эса хорижлик ишбилармон ва сармоядорларга манзур бўлаётир. Ўз навбатида, илғор технологиялар асосида қайта ишланаётган юқори сифатли пахта хом ашёсига харидор бўлаётган мамлакатлар сафи ҳам йил сайин кенгайиб бораяпти. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, “Индорама Қўқон текстиль” қўшма корхонаси жамоаси ўз олдига ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш орқали истиқболда дунё тўқимачиларининг эътиборини қозонишни мақсад қилиб қўйган. Бу эса қўшимча даромад ва иш ўринлари яратилиши баробарида, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан тобора кенг ўрин олишига хизмат қилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ



СУРАТДА: пардозлаш цехи фаолиятидан лавҳа.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бозор иқтисодиёти ташаббускорликни, омилкорликни талаб этади, — дейди корхона раҳбари Мурođжон Ваисов. — Биз шу тарзда фаолиятимизни такомиллаштириб бораяпмиз. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш, таннархни арзонлаштириш, хом ашё ва сарфланаётган электр энергиясини тежаш доимий эътиборимизда. Натижада мебелларимиз харидорлар дидига мос келмоқда. Кўплаб офислар ва хонадонларга маҳсулотларимиз зеб бериб турибди. Яқинда фаолиятимиз янада кенгаяди. Бунинг учун банкдан олинган 400 миллион сўмлик кредит эвазига модернизациялаш ишларини амалга ошираяпмиз. Ҳозир 9 та янги замонавий дастгоҳни монтаж қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Лойиҳа амалга ошгач, кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилади. Бугун жамоамизнинг унумли меҳнат қилиши, дам олиши учун етарли шароит яратганмиз. Бу иш самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар).**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ЮҚОРИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ

**банкларимизнинг изчил ва самарали фаолияти ифодасидир**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Банкларнинг рейтинг баҳосини олишга бўлган интилиши, аввалambор, халқаро молия бозорларидаги иштирокини фаоллаштириш, бозорга янги хизматларни таклиф этиш каби стратегик режалари билан боғлиқ. Банк хизматлари бозорида рақобат кучайган, мижозлар ва инвесторларга танлаш имконияти яратилган шароитда рейтинг баҳоси банк учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқаро рейтинг агентликларининг баҳоси банкнинг ўзи учун ҳам, мижозлари ва инвесторлари учун ҳам самарадорликни ошириш, тизимли ва режали асосда янада ривожланишига имкон беради, шунингдек, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик банк фаолиятининг шаффофлигини мақбул даражада таъминлашга шароит яратади. Бу, айниқса, хорижий инвесторлар учун устувор ҳисобланади. Улар ҳамкорликка киришишдан аввал халқаро рейтинг агентликларининг холис фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратишади ва уни мезон сифатида қабул қилишади. Хорижий молия бозорларига чиқишни мўлжаллаган банкларимиз учун рейтинг олишнинг ўта муҳимлигининг яна бир жиҳати мана шунда.

Тажрибали кредиторлар, инвесторлар бир эмас, бир нечта рейтингга эътибор беришади. Бинобарин, мамлакатимизнинг етакчи банклари — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Агробанк» иккитадан халқаро рейтинг агентликларининг баҳосини олишга муваффақ бўлган. Шу боис мазкур банкларнинг ташқи иқтисодий фаолиятида янги ҳамкорлар, йўналишлар пайдо бўлмоқда, халқаро молия бозорларидаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

Тижорат банкларимиз фаолиятига берилаётган юқори рейтинг баҳолари, ўз навбатида, мамлакатимиз банк тизимининг обрў-эътиборини ҳам оширмоқда, омонатчилар ва чет эл инвесторларининг республикамиз банкларига бўлган ишончи мустаҳкамланишига замин яратмоқда. Жумладан, шу йилнинг август ойида «Moody`s» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимининг «барқарор» даражадаги рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди. Унда Ўзбекистон банкларининг юқори рейтинг баҳоларини олиши мамлакатда макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги ва молиявий кўрсаткичларнинг мунтазам юқори суръатларда ўсиш тенденциясига эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

«Standard&Poor`s» халқаро рейтинг агентлиги эса ноябрь ойида Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаб, бир поғона юқори кўтарди.

Бу баҳолар замирида мамлакатимиз банкларининг барча муддатли мажбуриятларини ўз вақтида қоплай олиши, молиявий ресурсларни бошқаришда мустақиллиги, иқтисодий муҳит ижобийлиги, ликвидлиги ва активларини зарур даражада диверсификация қила олиши, банк операцияларининг узвий қисми бўлган таваккалчиликларни бошқара билиши, улар фаолияти кучли назорат қилиниши ва мувофиқлаштирилишини англатади.

Қарорда банкларнинг рейтинг баҳосини олишга урғу берилиши бежиз эмас. Чунки рейтинглаш жараёни ички ва халқаро пул бозорида қатнашаётган банк учун муҳим шартлардан бири бўлиб, рейтинг банкнинг нечоғли ишончли ва ҳаққоний ҳамкорлигини яққол ифода этади. Рейтинг компаниялари баҳо беришдан аввал банк фаолиятининг барча жиҳатларини синчковлик билан кўздан кечиради, ҳар бир ҳолатга ўта «инжиқлик», яъни танқидий кўз билан қарашади. Банк муассасасининг бозордаги мавқеини дастлаб миллий, сўнгра глобал иқтисодиётда юзага келган вазиятдан келиб чиқиб баҳолайди. Айтиш жоизки, рейтинглаш жараёни банклар учун таваккалчиликларни баҳолаш, улар даражасини аниқлаш ва бошқаришда ёрдам бермоқда.

Бунинг учун банк, биринчи галда, молиявий ҳисоботини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида аудитдан ўтказишни, банк фаолиятининг барча қирралари юқори сифат стандартларига мос келишини тақозо этади ва пировардида банк фаолияти шаффофлигини таъминлайди.

Айни пайтда мамлакатимиз банклари, умуман, миллий молия-банк тизими ўз фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг бутун дунёда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичлари даражасига олиб чиқувчи, халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган замонавий тизимларидан фойдаланмоқда. Барча тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботларнинг замонавий технология ва усуллари жорий этилганки, бу молия-банк ахборотларининг даражаси ва сифати ошишини, уларнинг халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мос равишда кенг оммага очиқлигини таъминламоқда. Тижорат банкларининг ҳар чораклик молиявий фаолияти ва барқарорлигини халқаро тизим асосида баҳолаб бориш механизми йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Кези келганда, шуни айтиш ўринлики, Марказий банк бу инновацион инструментларни жорий этишга бош-қош бўлмоқда. Мамлакатимиз бош банки томонидан халқаро рейтинг компанияларининг етакчи мутахассислари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Тижорат банклари мутахассисларининг замонавий технология ва усулларда ишлай олишини таъминлаш, малакасини ошириш мақсадида хорижий молия институтларининг вакиллари билан туркум махсус ўқув курслари уюштирилмоқда.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, асосий кўрсаткичларнинг барчаси юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Жумладан, бизда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори бўлиши таъминланди.

Шунингдек, «тижорат банклари ликвидлиги», «депозитлар ҳажмининг динамикаси», «кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши» индикаторлари «юқори даража»даги баҳоларга эга.

Банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари, хусусан, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси индикатори ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,5 тани ташкил этиб (30 тадан юқориси), «юқори даража» ва ҳар мингта катта ёшли аҳолига тўғри келадиган жисмоний шахс-омонатчилар ҳисобварағи сони индикатори — 1025 бирликни ташкил қилиб, бу бўйича ҳам (1000 тадан кўпи) «юқори даража» баҳоларига мувофиқ.

2011 йилнинг 9 ойи давомида банкларнинг умумий капитали 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 31 фоиз ўсиб, 4,7 трлн. сўмга етди, банк активлари 33,5 фоиз кўпайиб, унинг ҳажми 26,8 трлн. сўмни ташкил этди.

Муҳтарам Президентимизнинг тегишли фармонларига кўра, аҳоли омонатларининг миқдорларидан қатъи назар, давлат томонидан 100 фоиз миқдорида тўланиши бўйича берилган кафолатлари, мамлакатимизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди самарали фаолият кўрсатаётгани ва тижорат банклари томонидан мижознинг биринчи талабига биноан аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағлари берилиши, омонатлардан олинган даромадлар соликдан озод қилинганлиги, омонатлар манбалари декларация қилинмаслиги банклар ресурс базасини кенгайтиришда муҳим рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилмоқда.

Муҳими, бу борада тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални кенг жалб қилиш, узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида банклардаги жами депозитлар миқдорининг мунтазам ошиб бориши таъминланмоқда. Ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг 9 ойидагига нисбатан 48,5 фоиз ўсгани, айниқса, эътиборга лойиқ.

Бу кўрсаткичлар ва мавжуд ресурслар, мамлакатимиз молия бозоридаги вазият, хусусан, банк тизими фаолиятининг етарлича назорат остида эканини инобатга олсак, унинг халқаро мавқеи янада ошишига шубҳа йўқ.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Икром ЎТБОСАРОВ**
**суҳбатлашди.**

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 859,8 ▲ +20,9 | УН биринчи нав 656,2 ▲ +3,5 | УН иккинчи нав 583,4 ▲ +0,07 | ПАХТА ЁҒИ 1919,7 ▼ -12,6 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▼-0,07

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Қарздорликдан қутулиш илинжида

***Яқинда банкротлик ҳолатига тушиб қолган "MF Global" (АҚШ) брокерлик компанияси мижозларга 1,2 миллиард доллар қайтариши лозим.***

Бу аввалроқ эълон қилинган рақамлардан икки баробарга кўп, дейилади "Bloomberg" ахборот агентлиги хабарида. Ташкилот евроҳудудда давом этаётган молиявий инқироз туфайли жорий йилнинг учинчи чорагини катта миқдордаги зарар билан якунлаганди. Бунга савдоларда кузатилган жиддий пасайиш сабаб бўлган.

Шунга қарамай, "MF Global"нинг вақтинчалик бошқарувидагилар яқин келажакда қарздорликдан тўлиқ қутулиш учун барча имкониятлар ишга солинишини маълум қилишган.

### Йирик йўл транспорти ҳодисаси



***Германия шимолидаги трассалардан бирида 52 та автомобиль иштирокида йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди.***

Оқибатда уч киши ҳаётдан кўз юмди, 35 киши жароҳатланди. Тахминларга кўра, воқеа қалин туман тушганлиги сабабли рўй берган.

### Акциялари нархи пасайди

***Англиянинг "Thomas Cook" сайёҳлик компанияси акциялари нархи 65 фоизгача тушиб кетди.***

"BBC News" хабарида айтилишича, ташкилот ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида банкдан яна 100 миллион фунт стерлинг миқдорида кредит олишини билдирганидан сўнг шундай ҳолат кузатилган.

Илгари ҳам мазкур компания 100 миллион фунт стерлинг ҳажмида молиявий кўмак олган эди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, унинг даромади жорий йил якунида 320 миллион фунтга етиши мумкин. Ваҳолонки, 2010 йилда бу борадаги кўрсаткич 362 миллион фунт стерлингни ташкил этганди.

### Эгизаклар фестивали

***Хитойнинг Сичуань провинциясида энг ўхшаш эгизакларни аниқлашга бағишланган фестиваль бошланди.***



Қизиғи шундаки, даъвогарлар фақат ташқи кўринишлари эвазига бош совринни қўлга кирита олмайдилар. Бунинг учун улар қўшиқ куйлашлари, рақсга тушишлари, ҳатто ўзига хос томоша кўрсатиб, барчани қойил қолдиришлари лозим. Ушбу шартлардан муваффақиятли ўтиш учун айрим эгизаклар йил бўйи тайёргарлик кўрганликларини ҳам билдиришди.

Танловда қарийб икки юз нафар ўғил-қиз қатнашмоқда. Ғолиблар номи икки ҳафтадан сўнг аниқ бўлади.

### Тадқиқот натижаси

***Автомобилсозлик соҳасида тадқиқот олиб борувчи нуфузли компаниялардан бири — "BernsteinResearch" охирги 21 йил давомида энг кўп даромад келтирган русумлар ўнталигини эълон қилди.***

Рўйхатнинг илк учлигини "Ford", "GM" ва "Chrysler" компаниялари (барчаси АҚШ) банд этган. Улар томонидан ишлаб чиқарилган транспорт воситалари умумий ҳисобда 108 миллиард доллар фойда келтирган. Кейинги ўринлардан "Mercedes", "BMW" ҳамда бошқа концернлар жой олган.

### Тошқин келтирган талафот

***Испаниянинг шарқий ҳудудларида ёққан кучли ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.***



Табиий офат оқибатида саккиз киши ҳаётдан кўз юмган, бир киши бедарак йўқолган. Вазият, айниқса, Валенсия шаҳрида мураккаб. Бу ерда кўчалар, ертўлалар, ер остида жойлашган автомобиллар тўхташ жойларини сув босган. Ўнлаб автоуловларга жиддий зарар етган.

Метеорологлар аҳолини яқин кунлар ичида табиатнинг бундай инжиқлиги яна такрорланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



# ОНА ЗАМИН САХОВАТИ

***Тошкент воҳаси азалдан уста боғбону соҳибкорлар манзили сифатида маълум ва машҳур. Бу заминда етиштирилган сархил мевалар, шираси тилни ёрар узумлар довруғини ким ҳам эшитмаган дейсиз? Айниқса, истиқлол йилларида аграр соҳа тармоқлари изчил ривожлантирилиши натижасида пойтахт вилоятилик миришкорларнинг мева-сабзавот етиштириш имкониятлари янада кенгайди. Бугун ички бозорларимизда арзон ва сифатли мева-сабзавот, полиз ҳамда картошка каби кундалик зарур маҳсулотлар ҳар қачонгидан сероблиги ана шу ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.***

**Ш**у ўринда қайд этиш лозимки, ҳозир вилоятда қарийб 30 минг гектар мевали боғ, 18 минг гектардан зиёд токзор мавжуд. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида воҳада жами 100-110 минг тонна атрофида мева ва узум етиштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 270 минг тоннага яқинлашиб қолди. Кейинги бир йил ичида қарийб 5000 гектар янги боғ ташкил қилингани, уларнинг 1000 гектарга яқини хориж технологияси асосида, интенсив усулда барпо этилгани вилоятнинг боғдорчилик салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Соҳибкорлар ўтган йили синов тариқасида барпо этилган ана шундай боғлардан дастлабки ҳосилни олишга муваффақ бўлдилар. Қувонарлиси, интилиш ва изланишларга мос тарзда тармоқда ҳосилдорлик ҳам ортиб бораётир. Авваллари ҳар гектар мевали боғнинг ҳосили 50-55 центнер атрофида бўлганини кўпчилик яхши эслайди. Ерга муносабатнинг тубдан ўзгаргани, боғдорчиликка энг илғор тажрибалар изчил татбиқ этиб келинаётгани, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишда ҳам кимёвий, ҳам биологик усуллардан самарали фойдаланилаётгани, энг муҳими, нав танлаш, уларни тупроқ ва иқлим шароитига мос тарзда жойлаштиришга илмий нуқтаи назардан ёндашилаётгани туфайли бугун Паркент, Қибрай, Янгийўл, Зангиота туманилик соҳибкорлар боғ ва токзорлардан 100 центнерга етказиб ҳосил узмоқдалар. Сабзавотчиликда эришилаётган натижалар салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бораяпти.

Табиийки, мева ва сабзавотнинг сероблиги уларни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантиришни талаб этади. Бинобарин, бу ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, хусусан, янги иш ўринлари яратиш, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини оширишда ғоят муҳим ўрин тутади.

Хўш, вилоятда бу борадаги мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланилмоқда?

— Вилоятнинг мева-сабзавот етиштиришдаги салоҳияти ички бозорни тўлдириш билан бирга, дала ва боғ неъматларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ҳам кенг йўл очмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармасининг агросаноат комплексини ривожлантириш бўлими бошлиғи Раҳмиддин Ўроқов. — Илгари ҳудудда мева-сабзавотни қайта ишловчи 12 та корхона фаолият юритган бўлса, сўнгги 4-5 йилнинг ўзида бунга ихтисослаштирилган 20 дан ортиқ корхона ишга туширилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

**Таҳлил ва таққос**

Шунга мувофиқ, ишлаб чиқилган манзилли дастур асосида биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мева-сабзавотни қайта ишловчи илғор минитехнологияларга асосланган 3 та корхона фойдаланишга топширилди. Мазкур лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун 1,9 миллиард сўм сарфланди. Хусусан, Бекобод туманидаги "Зафар-Далварзин" фермер хўжалиги, Янгийўл туманидаги "Иствест Янгийўл" қўшма корхонаси ҳамда чинозлик хусусий тадбиркор Ботир Бобоқуловнинг саъй-ҳаракати билан ишга туширилган технологик линиялар ёрдамида йилига қўшимча 4500 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш имкони вужудга келди. Энг муҳими, уларда 70 га яқин иш ўринлари яратилди.

Дарвоқе, шу кунларда Янгийўл туманидаги "Мастер глобал плюс" масъулияти чекланган жамияти ҳам иш бошлаш арафасида турибди. Аҳамиятли томони шундаки, йилига 50 минг тоннадан кўпроқ мевани қайта ишлашга мўлжалланган мазкур корхона нафақат вилоятдаги, балки мамлакатимиздаги турдош корхоналар орасида етакчилардан бири бўлиши кутилаяпти. Чунки у фаолият бошлаши билан вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳажми қарийб икки баробар кўпаяди. Ҳозир бу ерда Италия ва Германиядан олиб келинган ускуна ҳамда дастгоҳларни ўрнатиш ишлари бораяпти.

Бироқ кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, бундай саъй-ҳаракатлар вилоятнинг барча туманларида ҳам бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Масалан, Оққўрғон, Бўка, Пскент, Қуйи Чирчиқ туманларида мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш борасидаги амалий ҳаракатлар бу қадар кўзга ташланаётгани йўқ. Ҳолбуки, вилоятда етиштирилаётган дала ва боғ неъматларининг деярли тўртдан бир қисми айнан шу туманлар улушига тўғри келади.

**У**муман, мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш муваффақиятлар гаровидир. Шу жиҳатдан Тошкент вилояти, том маънода, мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатининг маркази бўлишга ҳақли. Бинобарин, бу йўналишдаги ҳар бир лойиҳа, ҳар бир ҳаракат тармоқда кескин бурилиш ясаши, пировардида қишлоқ аҳолиси даромадлари ошишини таъминлаши муқаррар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 5 НОЯБРДАН 18 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. "Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 7 ноябрдаги 245-мҳ-сон буйруғи.*

**2011 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1650-1 (2011 йил 17 ноябрдан кучга киради).**

2. "Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш ҳақида" *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 7 ноябрдаги 246-мҳ-сон буйруғи.*

**2011 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2280 (2011 йил 17 ноябрдан кучга киради).**

3. "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2011 йил 31 октябрдаги 428, 30 ва 67-ққ-сон қарори.*

**2011 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2281 (2011 йил 17 ноябрдан кучга киради).**

4. "Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 20 октябрдаги 64-сон буйруғи.*

**2011 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1710-1 (2011 йил 27 ноябрдан кучга киради).**

5. "Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида" *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон буйруғи.*

**2011 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282 (2011 йил 27 ноябрдан кучга киради).**

6. "2012 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 24 октябрдаги 4-мб-сон қарори.*

**2011 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2283 (2012 йил 1 январдан кучга киради).**

7. "Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида" *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 31 октябрдаги 67-сон буйруғи.*

**2011 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-1 (2011 йил 27 ноябрдан кучга киради).**

8. "Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2011 йил 24 октябрдаги 2011-18-сон буйруғи.*

**2011 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-5 (2011 йил 27 ноябрдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. "Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқ (рўйхат рақами 1650, 2006 йил 29 декабрь). *Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 7 ноябрдаги 245-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор (рўйхат рақами 2176, 2011 йил 5 январь). *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 7 ноябрдаги 247-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

*(Давоми бор).*

● Реклама ва эълонлар ●

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясига қарашли
**«TASIS–O'QUV» маркази**
**40 ўринли меҳмонхона жиҳозлари сотиб олиш учун тендер эълон қилади.**
Тендер шартлари:
*юқори сифатли ва чиройли дизайндаги меҳмонхона жиҳозлари ҳамда маъқул нархлар.*
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 76-уй.
**Телефон/факс:** (8-371) 296-90-30, 299-59-15.
1574R/1346

**«Farg'ona charm polimer» МЧЖ**
ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:
- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

*Маҳсулот сертификатланган.*
Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru
150R/132

"Biznes-contact" кредит уюшмаси тугатиш комиссияси уюшманинг 2011 йил 10 октябрдаги умумий йиғилиши қарорига асосан, тугатиш ишлари бошланганлигини маълум қилади.
Кредиторлардан даъво аризалари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.
*Мурожаат учун телефон: (8-374) 224-89-67.*

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02




**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ Самарқанд филиали**
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2011 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилади:**

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 5 мартдаги ЖСК-1-25/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, суд ижрочилари Самарқанд тумани бўлими томонидан савдога қўйилган, «ТОХИРИЙ» ИЧСФга қарашли, Самарқанд тумани, Мулиён қишлоғида жойлашган «ТОХИРИЙ-МУЛИЁН» савдо умумий овқатланиш мажмуи ва ишлаб чиқариш цехи. 2000 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони — 2322,8 кв.м., фойдали майдони — 2747,84 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 1 450 714 000 сўм.***

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк»и ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571 003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси 3-уй, 2-қават.
Телефон: (8-366) 234-06-38.
Лицензия: RR-0017.
1572R/1192

**«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ**
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига суд ижрочилари Андижон шаҳар бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:**

Андижон вилояти хўжалик судининг 2010 йил 13 майдаги 17-1005-3250-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Тошкент кўчаси, 7-уйда жойлашган, 1967 йилда қурилган, қурилиш майдони 1960,95 кв.м. бўлган бино ва (бостирма) иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 116 020 000 (бир юз ўн олти миллион йигирма минг) сўм.***

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот (кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда 2011 йил 27 декабрь куни соат 11.00 бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Талабгорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.
*Мўлжал — Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават.*
Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 262-13-75.
*Лицензия RR-0026.*
1569R/1201

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 347,6 ▲ +0,04 | ШРОТ 308,7 ▲ +0,8 | ШЕЛУХА 128,4 ▲ +0,5 | ПОЛИЭТИЛЕН В-Y 460 4555,1 ▲ + 258,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4189,1 ▼ - 429,5 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4507,7 ▼ - 404,5 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 2607,5 ▲ +232,6 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +1,0 |

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

***Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ёшларимизнинг шахс сифатида шаклланишлари, ҳаётда ўз ўринларини топишларида муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.***

# ҲАЁТ МАКТАБИ

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имкониятига эгадирлар. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати эса ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш давомида фаоллигини намоён этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлаб беради. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган минглаб ёшларимиз таълим олмоқда. Шулардан бири Косон туманилик Соҳиб Қулмуродовдир.

У Қуролли Кучларимиз сафида намунали хизмат қилгани учун тегишли тавсияномага эга бўлганди. Бу Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтига ўқишга кирищда қўл келди. Тест синовидан муваффақиятли ўтиб, Нефть-газ факультетига талабаликка қабул қилинди. Бундан ўзи ҳам, оиласидагилар ҳам бирдек хурсанд.

*— Аскарлик кишининг умр йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади, — дейди Соҳиб Қулмуродов. — Бунга мен ўз мисолимда гувоҳ бўлдим. Муддатли ҳарбий хизмат даврида компьютер, маънавият хоналарида билимимизни мустаҳкамлаган бўлсак, энг сўнгги ҳарбий техника ва технологиялар ёрдамида ҳарб илмини ўргандим. Мақсадим — Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш, устозларим, яқинларим ишончини оқлаш. Бу йўлда биз, ёшларга катта имкониятлар яратиб берилган. Ундан унумли фойдаланиш ўз қўлимизда.*

*— Муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳар томонлама чиниқдим, — дейди қамашилик Умид Юсуфалиев. — Машғулотларни доим аъло даражада бажаришга ҳаракат қилдим. Шунинг учун менга Қуролли Кучлар сафидаги намунали хизматим учун тавсиянома беришди. Бу Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтига ўқишга киришимда қўшимча имконият яратди.*

— Институтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат бирлашмалари билан биргаликда ишлаб чиқилган маънавий-маърифий тадбирлар режасига асосан, факультетлар ўртасида ватанпарварлик руҳи билан суғорилган "Тафаккур ринги" интеллектуал ўйини, "Балли, йигитлар", "Илмнинг истеъдодли толиби", "Миллий армиямиз — мустақиллигимиз таянчи" каби кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ва турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Рустам Хўжақулов. — Шунингдек, оммавий ватанпарварлик тадбирларини ташкил этиш мақсадида вилоятдаги ҳарбий қисмлар, Қарши сержантлар тайёрлаш мактаби билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам дастурлари ташкил этиш анъанага айланган. Бундай анжуманларда талабалар бевосита ҳарбий ҳаёт ҳақида кўникмаларга эга бўладилар. Уларда фаол иштирок этган аскарликни ўтаб қайтган талабаларимиз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва институт маъмурияти томонидан рағбатлантириб борилмоқда.

— Биз тарбиявий ишларда миллий армия мактабини намунали ўтаган талабаларнинг ёрдами ва тажрибасига кўпроқ таянамиз, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг институтдаги бошланғич ташкилоти етакчиси Аброр Раҳматов. — Чунки ҳарбий хизматни ўтаган талабалар дунёқарашининг кенглиги билан ажралиб туради. Айниқса, улар жамоат ишларида фаол қатнашишади, аксарияти "Камолот"нинг бошланғич ташкилотлари ҳамда интеллектуал клублар етакчилари ҳисобланишади.

Хуллас, бугунги кунда айнан мана шундай ёшлар мамлакатимизнинг кадрлар захирасини тўлдириб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон келажаги ишончли қўлларда эканлигига ёрқин бир мисолдир.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

***Самарқандда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида республика ёшлар фестивали бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилган тадбирлар бир неча юз минглаб ёшларни бирлаштирди. Фестивалнинг якуний босқичида эса 10 дан зиёд лойиҳалар бўйича 100 га яқин тадбирлар ташкил этилди. Тарғибот гуруҳларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, таниқли шоир ва ёзувчилар, эл севган актёрлар жалб қилинди. Хусусан, республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари иштирокидаги "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти" лойиҳаси доирасида ўтказилган учрашув ва мулоқотларда келажагимиз ворислари дунёқарашини юксалтириш, уларни миллий менталитетимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, фестиваль доирасида "Сиз севган қаҳрамонлар", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди", "Биз соғлом турмуш тарзининг тарафдоримиз" лойиҳалари, "Депутат ва ёшлар", "Ватан — менинг ғурурим", "Ёшлар етакчиси ва ёшлар", "Юртим жамолини мадҳ этаман" каби мавзуларда бир қанча учрашувлар, давра суҳбатлари, конференциялар, ижодий танловлар ўтказилди.

Фестиваль иштирокчилари ижросидаги концерт дастури тадбирга ажойиб руҳ бағишлади.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Азалий қадриятлар бешиги

***Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоғида "Менинг маҳаллам тарихи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

**Танлов**

— Айни пайтда вилоятимизда 1200 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими мутахассиси Зулхумор Жўраева. — Бу галги танлов ҳам аксарият маҳаллаларимизнинг узоқ тарихга эга эканлигини, шу боис уларда халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари асрлар оша сайқалланиб келаётганлигини кўрсатиб берди.

Якунда Оққўрғон туманидаги Элтамғали маҳалласи жамоаси ғолиб деб топилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди. Шунингдек, иштирокчи жамоалар бир қатор йўналишлар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

**Ш. ҒАЙРАТОВ.**

# МУЗЕЙ — МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

***Юртимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг бой тарихини ўрганиш, миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш баробарида тарих кўзгуси бўлган музейлар фаолиятини ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Президентимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва "Музейлар тўғрисида"ги Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.***

Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган йиллар мобайнида музейларимиз ўзгача қиёфа ва мазмун-моҳият касб этди. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, мазкур муассасалар бир пайтдагидек тарихий экспонатлар намойиш этиладиган томошагоҳгина эмас, балки ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи маънавият ва маърифат маскани сифатида ҳам шаклланди. Ўзбекистон тарихи давлат музейи фаолияти мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунга келиб, музейимиздан кўҳна тарихимиздан ҳикоя қилувчи қадимий ашёлар, топилмалар, ҳужжатлар, қисқача айтганда, аждодларимиз томонидан қолдирилган жуда қимматли ва қизиқарли моддий ҳамда маънавий меросимиз намуналари жой олди.

Табиийки, бу музейга ташриф буюрувчилар сонининг йилдан-йилга ошиб боришига хизмат қилаётир. Масалан, 2006 йилда 32 минг нафардан ортиқ киши бу ерга келиб, музей фаолияти билан танишган бўлса, ўтган йили улар сони 62 мингдан кўпроқни ташкил этди. Эътиборлиси, келувчиларнинг салмоқли қисми, яъни 70 фоизи ёшлар экани кишини қувонтиради. Шуни инобатга олиб, ёшларимизни ушбу масканга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрмоқдамиз. Жумладан, бу ерда турли фанлар бўйича ёки муайян бир мавзудаги маърузалар асосида дарслар ўтиш йўлга қўйилди. Бу ёшларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилаётир.




***«Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар».***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасидан.

Муассасамиз негизида мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб мамлакатимизда биринчи марта 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун "Мўъжизалар олами" номли болалар музейи ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад ёш авлодни аждодларимиздан қолган бой моддий-маънавий мерос билан янада яқинроқ таништириш, яъни музей экспозициясида намойиш этилаётган экспонатларнинг тарихи, тузилиши ва аҳамияти ҳақида тўлиқ маълумот беришдан иборатдир. Мазкур жараёнда болалар нафақат экспонатлар билан танишмоқдалар, айни чоғда анъанавий урф-одатлар ва ҳунармандчилик сирларини ўрганиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Бундан ташқари, бу ерда болалар кутубхонаси, мусаввирлик, каштачилик бўлимлари ҳам ташкил этилган. Албатта, бу бир пайтнинг ўзида болаларга ҳам назарий, ҳам амалий билим олиш имконини беради.

Шу ўринда музейда сақланаётган экспонатлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларда ҳам яхши таассурот қолдираётганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Япония, Германия, АҚШ, Малайзия, Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган ноёб экспонатларимизни минглаб кишилар катта қизиқиш билан томоша қилганлиги мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Жумладан, 2009-2010 йилларда Жанубий Корея Миллий музейида бир йил давомида "Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" номли кўргазма фаолият кўрсатди.

Музейдаги ёдгорликлар, хусусан, Селунғур (мил. авв. 1,5 млн. йил), Тешиктош ва Обираҳмат ғорларидан топилган қадимги одам қолдиқлари, Фарғона водийсидан келтирилган икки бошли илон шаклидаги тош тумор (мил. авв. II минг йиллик), Фаёзтепага тегишли (Сурхондарё вилояти) будда ибодатхонаси ёдгорликлари, роҳиблари билан тасвирланган Будда ҳайкали, Фаёзтепа ибодатхонаси деворий суратлари (I-III асрлар), Варахша саройининг деворий суратлари (VII аср), Обурдон қишлоғидан келтирилган X асрга оид нақшинкор ўйма устун каби жаҳонга машҳур осориатиқалар томошабинлар томонидан катта қизиқиш ва ҳайрат билан қабул қилинмоқда.

**Ифтихор**

Умуман олганда, музейимиздан юртимиз тарихининг турли даврларига оид жуда қимматбаҳо экспонатлар жой олган бўлиб, уларнинг сони янги қўлга киритилган топилмалар, турли ашёлар ҳамда ҳужжатлар билан тобора бойиб бормоқда. Бу борада ходимларимизнинг кўплаб илмий муассасалар, тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда олиб бораётган изланишлари муҳим омил бўлаётир. Ушбу ҳамкорлик туфайли истиқлол даврида божхона хизмати ходимлари, фидойи юртдошларимиз, илмий муассасалар олимлари томонидан жами 22 мингдан ортиқ турли даврларга оид тангалар, археология ва этнография ашёлари музейимизга топширилди.

Шунингдек, музейимизда илмий тадқиқот ишлари ҳам йўлга қўйилган. Ўтган 20 йилда заҳматкаш олимларимиз томонидан ўнлаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Айни чоғда улар томонидан 200 дан зиёд монография, альбом, каталог, рисола ва илмий мақолалар чоп этилди.

Қисқача айтганда, музейимиз жамоаси ёшларни она-Ватанга садоқат, миллий қадрият ва урф-одатларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Зеро, юртимиз келажаги бугунги ёшлар қўлида экан, уларнинг тарбиясига ҳар биримиз масъулмиз.

**Жаннат ИСМОИЛОВА,**
**Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори.**


● Реклама ва эълонлар ●

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 25 апрелдаги 11415/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 557,63 кв.м. бўлган, 8 та яшаш хона, даҳлиз, 3 та ҳаммом, йўлак, ошхона, ҳожатхона, 2 та холл, 2 та ертўла, 2 та соябондан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 681 377 376 сўм.***

**2.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2011 йил 2 майдаги 11989-01/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 10-даҳа, 16-уй, 92-хонадонда жойлашган, умумий майдони 94,05 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, ҳожатхона, ҳаммом ва айвондан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***

**3.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2010 йил 9 августдаги 23776-77-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Н. Парпибаев кўчаси, 18-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., тўрт хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 31 000 000 сўм.***

**II. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:**

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 августдаги 11-1128/11168-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бинокор қурилиш таъминот» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бинокор қўрғони, Зироат кўчасида жойлашган бир қаватли, 11 та хонадан иборат, умумий майдони 288 кв.м. бўлган, блок-«А» маъмурий биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2011 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: № RR-0001.*

1573R/773

## КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ




**GRUNDFOSНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ**

Ўзбекистон Республикаси,
100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-«А» уй
Тел.: (+998 71) 150-32-90,
(+998 71) 150-32-91,
(+998 71) 150-32-92.
E-mail: uzbekistan@grundfos.com
Web: www.grundfos.uz

› КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ
› СЕРВИС ХИЗМАТИ
› МАСЛАҲАТЛАР

BE › THINK › INNOVATE ›

GRUNDFOS

700R/520


## ОБ-ҲАВО (23 ноябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 2-7, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 2-7, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 4-9, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 2-7, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 2-4, кундузи 5-7 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази жамоаси марказ директорининг илмий ишлар бўйича муовини Муяссар Каримовага волидаи муҳтарамаси

**МАРФУА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва жамоаси Клиник фармакология кафедрасининг профессори Салахитдин Аминовга волидаи муҳтарамаси

**МАХСУМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 179,3 ▲ +3,0 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 165,2 ▼ -2,7 | АРМАТУРА 3632,4 ▲ +33,6 | ШИФЕР (1 лист) 15725 ▼ -69 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5